



№ 04-06/17-04/248

« 07 » aprel 2023- j.y

**Вазирлик ва идоралар
раҳбарларига
(рўйхат бўйича)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 11 октябрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 628-Ф-сонли Фармойишига асосан Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумларида жами 14 млн. дона ҳар бир ҳудуднинг маҳаллий иқлим шароитига мос манзарали, мевали дарахтлар ҳамда бута кўчатлари қаламчаларини экиш режаси белгилаб берилган.

Ушбу белгилаб берилган топшириқларга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 17 ноябрдаги 281-13-0-Ф/22-сонли Фармойиши қабул қилиниб, Фармойишга асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида 2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумларида жами 14 млн. дона, шундан, жорий йил куз мавсумида 5 млн. 250 минг дона 2023 йил баҳор мавсумида 8 млн. 750 минг дона манзарали, мевали дарахтлар ва бута кўчатлари ҳамда қаламчалар экилиши режалаштирилган.

Шунингдек, мазкур Фармойишга асосан манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларини шартнома асосида етказиб бериш ҳамда экиш ишларини мувофиқлаштирувчи Қорақалпоғистон Республикаси ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланиб, Вазирлар Кенгашида тегишли вазирлик ва идоралар таркибида кўчат экиш ишларини доимий мониторинг қилиш бўйича кунлик “ШТАБ” ташкил этилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мазкур топшириқлар ижроси юзасидан ҳудудларда манзарали, мевали дарахт ва буталар кўчатларини экиш бўйича шаҳар ва туманлар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларнинг амалга оширилган чора-тадбирларнинг ижросини мониторинг қилишда ушбу штабга бириктирилган ҳодимларнинг ўз вазифаларини аъло даражада олиб борилиши муносабати билан кўмита ва вазирлик, идоралар томонидан бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий рағбатлантиришда қўллаб-қувватлашингизни ҳамда натижаси бўйича Вазирлар Кенгашига маълумот киритишингизни сўраймиз.

Илова: ___ varaқда.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши Раисининг
ўринбосари**

Ш.Даулетияров

Тегишли вазирлик ва идоралар рўйхати.

1. Ўрмон хўжалиги қўмитаси етакчи мутахассиси-А.Полатов
2. “Қорақалпоқйўлкўкалам” УК мутахассиси-С.Қунназаров
3. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси етакчи мутахассиси-О.Айназаров
4. Сув хўжалиги вазирлиги етакчи мутахассиси-Т.Қарлыбаев
5. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг мутахассиси-А.Нурғалиев